

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи
ўринбосари, комиссияси раисининг
ўринбосари

 **М. Файзиёв**

2021 йил “1” июль

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Аутсорсерларни танлаш комиссияси
ЙИҒИЛИШ БАЁНИ
5 - сон

2021 йил “1” июль

Нурафшон ш.

Раислик қилувчи: **М.Файзиёв** – Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари

Иштирок этдилар: тегишли ташкилотлар
(*руйхат бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Аутсорсерларни танлаш бўйича вилоят комиссиясининг 2021 йил 1 июндаги 4-сонли йиғилиш баёнига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

(Файзиёв, Мелиев, Раимов, Файзиёв)

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисмлар ва таълим муассасаларда овқатланишни ташкил этиш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизми аутсорсинг шартлари асосида босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмларида аутсорсинг хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 189-сон ҳамда 2019 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати органлари ва бўлинмаларида шахсий таркибнинг овқатланишини ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 282-сонли қарорлари қабул қилинган.

Йиғилишда Аутсорсерларни танлаш комиссияси аъзоларига (*кейинги ўринларда – комиссия деб аталади*) йиғилишга алоқадор бошқа мурожаатларни ўқиб эшиттирилди.

Йиғилиш давомида комиссия аъзолари томонидан бир ой давомида аутсорсинг хизматини кўрсатиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари фаолияти, шунингдек, амалда фаолият кўрсатаётган аутсорсерларнинг фаолиятини жойига чиққан ҳолда ўрганиш кераклиги, улар томонидан яратилган тизим, амалга оширилаётган ишлари, кўрсатаётган хизматларининг лозим даражада амалга ошираётганлиги, ҳарбийларга

берилаётган овқатларнинг сифатини тахлил қилиш кераклиги ҳақида фикр мулоҳазалар билдирилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фикр-мулоҳазаларни, билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда комиссия томонидан, **қарор қилинади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округи бошқарув аппаратининг жорий йил 16 февралдаги 18/130-сонли ва 23 майдаги 18/244-сонли, 99298 ҳарбий қисмнинг 2021 йил 3 февралдаги 238-сонли ва 29262 ҳарбий қисмнинг 2021 йил 2 февралдаги 55-сонли, 38630 ҳарбий қисмнинг 2021 йил 4 февралдаги 168-сонли ҳамда Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондонлигининг жорий йил 3 февралдаги 7/183-сонли мурожаатларига асосан;

2021 йил 1 августга қадар (январь, февраль, март, апрель, май, июн, июль ойлари):

38630 ҳарбий қисм ошхонасида аутсорсинг хизмати кўрсатиш учун “Agro Products Plus” МЧЖни;

42219 ҳарбий қисм ва Ангрен тоғ полигонида аутсорсинг хизмати кўрсатиш учун “Angren Kamalak Tekstil” МЧЖни;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий санаториясида аутсорсинг хизмати кўрсатиш учун “Mirommon Soliha Servis” ХКни;

99298 ҳарбий қисмда аутсорсинг хизмати кўрсатиш учун “Akmal Abror” МЧЖни;

29262 ҳарбий қисм ҳамда аутсорсинг хизмати кўрсатиш учун “Ominayatul Baraka” МЧЖни;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ХХМҚ ва ХХҚ базасида аутсорсинг хизмати кўрсатиш учун “Abbosdil” ХКни;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида ташкил этилган курилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш марказида аутсорсинг хизмати кўрсатиш учун “PISKENT ADONIS GROUP” МЧЖни;

62608 ҳарбий қисмда аутсорсинг хизмати кўрсатиш учун “Asilbek-Adxam Taraqqiyot” МЧЖларини бириктирилиши инобатга олинсин.

Тошкент ҳарбий округи ҳудудида жойлашган 71186 ҳарбий қисмда маиший хизматлар (кирхона ҳаммом) кўрсатиш учун “Blesk Bonu” ХКси бириктирилишига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара кўшинлари 9256 ҳарбий қисмнинг жорий йил 4 февралдаги 270-сонли мурожаатига асосан;

Ҳарбий қисм бўлинмари ошхоналарида аутсорсинг фаолияти олиб бориш учун 1 ва 2 чегара кўриқлаш взводига “Good Autsorser” ОК, 3, 4, 5, 6 ва 7 чегара кўриқлаш взводларига “Fayzli Tungi Yogdu” МЧЖ ҳамда ҳарбий қисм бошқармасига “Vita AG” МЧЖлар бириктирилиши инобатга олинсин.

3. Юқоридаги корхоналар бирктирилган ҳарбий қисм ошхоналарида 2021 йил 1 август кунига қадар аутсорсинг хизмати кўрсатишлари белгилансин.

4. Комиссия аъзолари **15 кун** муддатда Тошкент вилоятидаги ҳарбий қисмларда амалдаги аутсорсерлар фаолиятини ва аутсорсинг хизматини кўрсатиш истагини билдирган янги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тахлил қилиш учун жойлардаги ҳарбий қисмларга юборилсин.

Ўтказилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижаси бўйича комиссия аъзолари тегишли тартибда хулосалар тақдим этсин.

5. Аутсорсер корхоналари зиммасига фаолияти давомида қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормаларига риоя қилиш вазифаси юклатилсин.

6. Зарурият туғилганда, ҳарбий муассасаларнинг муурожаатига асосан баённомага комиссия томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилиши инобатга олинсин.

7. Ушбу баён топшириқлари ижросини назорат қилиш тегишлилиги бўйича Тошкент ҳарбий округи (Ш.Мўминов), 9256 ҳарбий қисм командири (Л.Пулатов), вилоят ғазначилик бошқармаси бошлиғи (Ш.Алибеков)лар зиммаларига юклансин.

Баённи олиб борди:



Х. Иноғомов